


**БИРИНЧИ
УСТУН**



ПРЕЗИДЕНТ

ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 октябр кунни Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиенсий бюросининг доимий қўмитаси аъзоси Ху Цзинтао бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Булиб ўтган суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги узаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ДЕЛЕГАЦИЯ

ЖўНАБ КЕТДИ

28 октябр кунни Покистон Миллий Ассамблеясининг таклифига биноан Олий Мажлис раиси Э. Халидов бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Исломободга жўнаб кетди.

Делегациянинг таширифтавида Покистон Ислам Республикаси Президенти, Бош вазири, Ташқи ишлар вазири, парламентнинг ҳар иккала палатаси спикерлари билан учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган.

НЕФТ БАЗАСИ

ИШГА ТУШДИ

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳри автотранспорт корхонаси нефть маҳсулотларини сақлаш базаси негизда замонавий нефть базаси қуриб фойдаланишга топширилди. Бу ерда 9 та катта ҳажмдаги цистерна, бошқа зарур асбоб-ускуналар ўрнатилган. Энди Хонободдагина эмас, балки Қўрғонтепа туманининг барча хўжалиқларида нефть маҳсулотлари тақчиллиги бартараф этиладиغان бўлди.

ГУРУЧ МОЙИ

Самарқанд Савдо институти кимё кафедраси олимлари гуручнинг чиқиндида чиқиб кетатган қисмидан лаборатория шароитида мой ва витаминлар фракцияси олиш технологиясини яратдилар.

Маълумотлар шунини кўрсатдики, гуручдан олинган мой нафис, еқимли ҳидда, кизил раңга эга ва жуда тиниқдир. Бу мойнинг хусусиятлари кўнжунтиқка яқин.

БИЛИМНИ БАҲОЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Тошкент шаҳридаги 309-шарқ тиллари лицейида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар билиминини баҳолашнинг куп йиллик тизimini жорий этиш ва шу асосда ўқувчилар рейтингини аниқлашнинг илмий методик асослари мавзусига бағишланган семинар ўтказилди.

Семинар иштирокчилари лицейида бу борада орттирилган тажриба билан танишдилар, рейтинг тизimini куллаш бўйича очик дарс машгʻулотларида қатнашдилар.

ЎЗА ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди

*Баайни юз очган ғунча бағрида,
Товланиб тургандай мусаффо шабнам.
Юксакка бўй чўзган чўққилар ичра
Маконини топмиш бу ажиб кўл ҳам.*



Обуна — 96

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

Ҳаши-паш дегунча октябр ойи ҳам орта қолди. Демак, республикамиз газети ва журналларида 1996 йил учун обуна бошланганига бир ой бўлибди. Демак, чимизки, узунгиз севиб ўқийдиган нашрларга тезроқ обуна бўлиб қўймасангиз, кейин кеч қолишингиз мумкин.

«Оила ва жамият» газетаси келгуси йилда ҳам хонадонингизга ҳафта сайин кўриб боришга, ҳамда сизнинг дилдаш ҳамсухбатингиз бўлишга умид қиламиз. Боболаримиз «Бугунги ишни эртага қўйма» деганлар. Ишончимиз қомилки, сиз ҳам ана шу ўғитга амал қилган ҳолда, шу бугундан кечиктирмай газетамизга обуна бўласиз.

Обуна баҳоси қуйидагича:
3 ойга — 79 сўм 95 тийин
6 ойга — 159 сўм 90 тийин
1 йилга — 319 сўм 80 тийин.

Обуна индекси: 64654.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»-ГА
ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАН!

Ажабо!

ИМПЕРАТОР АШОКАНИНГ МЕРОСИ

Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк ҳинд императори Ашока эрамиздан олдинги III асрда Бхаратия (Ҳиндистон) юртига ҳукмронлик қилгани маълум. Бироқ бу улуг шахснинг қолдирган маънавий мероси ҳақида ҳамма ҳам билвермас керак. Қисқаси, Ашоканинг тарихда ёрқин из қолдириши учун унинг тузган кучли империяси эмас, балки тошга ўйиб ёзган китоби, битиклари ҳам етарли эди. Унинг машҳур китоби эса «Эту Дхамму-Липи» (буддийча турмуш тарзи) дея номланиб, бу маънавий мерос асрларга татиши учун император уни тошга ёздирган экан.

Шунингдек, бугунги кунга қадар Ашоканинг тошга ўйилган 14 та буюк битиги топилган. Қизиги шундаки, бу битикларда купроқ инсониятнинг маънавий жиҳатдан тарбиялашга қаратилган қақириқлар бор. Битикларидан бирида эса император ҳайвонларни, жонзотларни ўлдиришни қатъий таъқиқлаган. Демак, ҳиндларнинг купчилиги ҳайвон гўштини истеъмол қилмаслигининг сабаби бор эканда...

Хуллас, аждодларимиз қолдирган бу янглиг маънавий меросларнинг бизни табиатга, жамиятга қандай муносабатда бўлишга ургатиши шубҳасиз.



**Туркистон
бир-Ватан бир**

ВАЗИРЛИК ЎРНИДА МИЛЛИЙ АГЕНТЛИК

Республика Президентининг Фармонида биноан Қозоғистонда Матбуот ва оммавий ахборот вазирлиги тугатилди. Вазирлик негизда эса Матбуот ва оммавий ахборот Миллий агентлиги ташкил этилди ва Олтинбек Сарсенбоев унинг раиси этиб тайинланди.

ҚАРЗДАН ҚУТИЛИШ УЧУН

Қирғизистоннинг Россия Федерацияси ОҚШдаги қарзлари 100 миллион АКШ долларидан ҳам ошиб кетди. Ана шу қарздан қутилиш учун Қирғизистон Ҳукумати давлат мулк бўлган бир қатор корхоналарини, айрим тижорат ва ҳиссдорлик жамиятларидаги давлат улушини РФга беришга қарор қилди. РФ Бош Вазирини уринбосари Алексей Болшаковнинг Қирғизистонга сафари чоғида шу ҳақдаги ҳужжат имзоланди.

ЭРОН ОРҚАЛИ ЕВРОПАГА

Марказий Қорақумни Техрон яқинидаги нефтни қайта ишловчи корхоналар билан бoғловчи «Туркменистон-Эрон» нефть қувурларини ётқизиш бошлаб юборилди. Ҳозирча унинг узунлиги 790 километр бўлиши мўлжалланмоқда. Қазиб олинadиган йиллик нефть миқдори 14-15 миллион тоннага етгач, уни Туркияга узайтириш ва шу йўл билан Европага чиқиш кўзда тутилган.

СУТ КАМАЯДИГАН БЎЛДИ

Ем-хашак тақчиллиги ва бошқа сабабларга қура, Бишкек шаҳри яқинидаги Машина тажриба станцияси деб номланувчи хўжаликда минг бош зотли қорамол, бир ярим минг бош бузоқ қўштак топириб юборилди. Бунинг оқибатида қайта ишланадиган сутнинг катта қисмини шу хўжаликдан оладиган «Бишкексут» заводи похтаёт аҳолисига сут, ёғ, қатиқ, сметана, творог каби маҳсулотлар етказиб беришни 20 фоизга камайтирди.

КИПРИКЛАР УЧИНЧИ БЎЛИШДИ

Кипрнинг «Даллекс трейдинг ЛТД» фирмаси Шарқий Қозоғистондаги мис-химия комбинатига ун йил давомида эгаллик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Сал илгари шу вилоятлардаги титан-магний ишлаб чиқарувчи, ҳамда ярим металл маҳсулотлар тайёрловчи комбинатлар ҳам чет эллик сармоядорлар ихтиёрига берилган эди.

ЭЪЛОН ҚИЛИШ МУМКИН ЭМАС

Халқаро Валюта Жамғармасининг Туркменистондаги доимий вакили Р. Робинсоннинг айтишича, ушбу ташкилотнинг бугунги кундаги асосий фаолияти мамлакатда пул қадрсизланишини камайтириш борасида керакли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар, амалий ердам беришдан иборат бўлмоқда. Томонларнинг узаро аҳдлашувига биноан ХВЖ Туркменистонда пул қадрсизланишининг даражасини расман эълон қилишга ҳақли эмас.

ҲАМЖИҲАТЛИК ҲАЁТИМИЗ АСОСИ

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази, Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси, шаҳар Хотин-қизлар «Истиқлол» давраси ва шаҳар миллий-ижтимоий барқарорлик жамғармаси ҳамкорликда «Туркистон — умумий уйимиз» руқни остида тадбир ўтказди.

Тадбирда турли миллат маданият марказларининг вакиллари ва маҳалла фаоллари иштирок этдилар. Даврани шаҳар ҳокими муовини Ф. Абдурахимова кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси муовини М. Юнусхўжаева, адиба Нодира Рашидова ва қозоқ, қирғиз, рус, татар маданият марказларининг вакиллари қизиқарли мавзуда маъруза қилдилар.

Мазкур тадбирда ватанимизда яшовчи барча халқларнинг дўстлик ва илоҳиини янада мустаҳкамлашнинг энг самарали йўллари излаб топиш борасида янада кенгрок фикрлашиб олинди.

«МЕН МАНГУЗАР МАҲАЛЛАСИДАНМАН»

Балки йўлингиз тушганда кургандирсиз, балки эшитгандирсиз: Термиз шаҳрига кираверишда Мангузар деган қадимий қишлоқ бор. Энг яхши уриқлар шу ерда пишиди. Қадимда шоҳлар, беклар, амирлар ҳам Мангузар уригининг қадрини баланд тутганлар. Мангузарнинг туپроғида ҳам, ҳавосида ҳам ҳикмат бор, дейишади. Балки шундир — бу маҳаллада яшайдиган одамларнинг феъл-атворида ҳам ажиб бир яхши аломатлар бор. Бу ерда утказилadиган жамик хайрли ишлар баҳамжihatликда, аҳилликда амалга оширилади.

Маҳалла «Дўстлик» жамоа ҳужалиги ҳудудда жойлашган бўлиб, саккизта кўркам қишлоқдан ташкил топган. 700 га яқин хонадонда 7 миллатта мансуб бўлган саккиз мингдан зиёд аҳоли бир-бири билан иноқ ва дўстликда яшапди. Хонадонлари озода-сарништа, йўл буйлари анвои гулларга бурканган Мангузар тумандагина эмас, балки вилоятдаги энг катта ва намунали қишлоқ маҳаллаларидан бири саналади. Бу ернинг одамларидан «Қаердандисиз?» деб сурасангиз, «Мангузар маҳалласиданман», дея ифтихор билан жавоб беришади.

Маҳаллада ҳар ойда бир маротаба тозалик кўни эълон қилинади. Шу кўни кучаларнинг атрофлари тартибга келтирилиб, дарахларга шакл берилади. Тозалик кўнида иштирок этмайдиган хонадон бўлмайди. Маҳаллада ҳар йили «Энг гузал хонадон» курик-танлови ўтказиб борилади. Гап шундаки, бирон-бир хонадон соҳибни ўзи яшаётган маҳалла, уй-рузгор ҳақида ёмон гап-суз

қўзғалмаслиги, бошқаларда ёқимсиз таассуротлар ҳосил бўлмаслиги учун барча сатй-ҳаракатини қилади.

«Фуқароларнинг узини-узи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш тартиби ҳақидаги қарорга асосан бу маҳаллада ҳам сайлов бўлиб ўтди. Сайловда маҳалла аҳли еш бўлишига қарамадан нуфузли ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида баиззат бўлиб ишлаган Исмоил Хоналиевни ўзларига оқсоқол қилиб сайлади. Шунингдек ҳар қишлоқдан икки-уч нафардан маслаҳатчилар ҳам сайланишди. Халқ адашмас экан: маҳалла оқсоқолга ҳам, маслаҳатчиларга ҳам етчи. Эндиликда тўй-маъракалар, мавруд, маросимлар, ҳар хил байрамлар тартибли, мазмунли ўтаётди. Маҳалла фаолларидан Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Абдулла Мирзаев, меҳнат фахрийси Нормурод Чоршаев, муаллим Мамдали Хужакулов, Асдулло Маматов, Гулсара Расулова, Шарофат Қорасвалар маҳалланинг тинч-тотувлиги, кўркамлиги учун жон куйдириб ишламқдалар.

Аслида ободончилик ва тўй-маврудларнинг қандай ўтказилиши ўша ер одамларининг яшаш тарзи, феъл-атвори, маданий, маърифий даражасини белгилайдиган ўлчовлардир. Агар масалага шу нуқтанга назардан қарайдиган бўлсак, мангузарликлар ҳақида кўп яхши гаплар айтиш мумкин. Маҳаллада миллатталашлик, уруғталашлик, уруғ суриш йўқ. Барча узини шу туркий заминнинг фарзанди, эрк, истиқлол топган Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқароси деб билади.

Маҳаллада тўй ва маросимларни ўтказиш тартибига солинган. Авваллари бу тадбирлар қўшдан-қўш ҳаражатлар билан ўтказиларди. Эндиликда доно қарияларнинг маслаҳатлари билан тўй-маврудларни имкон қадар кам сарф-ҳаражат билан ўтказиш йўлга қўйилди. Тўйларни кечанинг алламаҳалида эмас, балки кундузи қилиш кўпчиликлка маъқул тушмоқда. Чунки тун нафақат кўп яхшиликларнинг, балки ёмонликларнинг, ғуноҳлар, жиноятларнинг ҳам дояси. Базми ширакайф ешлар

туннинг вақтинчалик эканлигидан ва тонг отаганидан беҳабар ҳолда ғуноҳ ишларга қўл урадилар. Маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари тўйларнинг кундузи ўтказилиши ва тинч, тартибли ўтиши учун бевоситта бош-қош бўлаётирлар. Маҳалла қўшида тузилган «Нигоҳ» бадиий ҳаваскорлик ансамбли тўйларга 50 фоиз арзонлаштирилган нархда беминнат хизмат қилмоқда.

Агар хабарингиз бўлса Мангузар маҳалласи 1994 йили «Энг намунали маҳалла» вилоят курик-танловида биринчи уринни эгаллаб, Республика курик-танловида ҳам фаол қатнашди ҳамда муносиб тақдирланди.

Маҳаллада кам таъминланган хонадонлар, қариялар, ногиронлар, бирон-ярим узидан қолган ночорларнинг, мискинларнинг ҳолини сураб туришга алоҳида аҳамият берилади. Уларга ҳаммаша молдий ва маънавий ердам бериб турилади. Чунки бу дунёда кўнгли кемтик инсоннинг ҳолини сурашдан, босавоброқ иш йўқ.

Инсон борки, қазо бор. Марҳумни сўнгги йўлга қўзғатмоқ ҳам биз тўғриқлар учун бурч. Маҳаллада бу иш маромига етказиб адо этилади. Туман матбуот ҳиссдорлик жамияти билан ҳамкорликда дафн маросимлари учун керакли нарсалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, матолар бериб бориш яхши йўлга қўйилган.

Халқимизда «Келин олсанг маҳалладан, қув қилсанг тумандан сура», деган нақл бор. Биласизми, нима, мангузарликда бу нақлда алоҳида эътибор беришади. Маҳалла аҳлининг эътиборини қозongan Гулсара опа Расулова хотин-қизлар билан ишлайдиган комиссияга раҳбарлик қилади. Гапга етар онанинг бевоситта аралашуви билан унга оила бузилишининг олди олинди. Қайси ота-она келин оладиган бўлишса, келин танлайдиган бўлишса, албатта, Гулсара опа билан ҳам бирров маслаҳатлашади. Чунки опа маҳаллада кимнинг ким эканлигини беш бarmoқдек билади. Мангузарнинг бошқа маҳаллалардан афзаллиги шундаки, бу ерда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Барча хонадонлар тоза ичимлик сув билан таъминланган. Аксарият рузгорлар табиий газдан баҳраманд бўлишмоқда. Ҳаммом, уйингоҳ, ошхона, кутубхона, пойафзал таъмирлаш устaxonалари, телерадио таъмирлаш устaxonаси, алоқа бўлими, ҳар хил дуконлар фаол ишлаб турибди. Маҳаллани Термиз шаҳри билан боғлайдиган йўналишда автобуслар тинимсиз қатнайди.

Яхши яшашни биладиган, яхши, мазмунли яшашнинг ҳадисини олган мангузарликларга барибир кўпчилик ҳавас қилади.

ТИЛОВ МУСТАФОКУЛОВ,
Республика «Маҳалла» хайрия
жамғармаси
Сурхондарё вилоят бўлими
бошқаруви раиси



Ҳайкалтарош ижодхонасида

«ҲАЙРАТНИ БИЛМАГАН ОДАМЛАР ШЎРЛИ»

Ҳайратланмай қўйганимга анча бўлди. Ҳайрат нима узи, ҳайрат. Кеч куз. Даракларнинг саргайган япроқлари шохдан узилди-да, пилдирабгина оёқларинг остига «бош қўяди». Эзиб утолмайсан. Шу юрак шакли нофармон барг билан ўз уминг уртасидати уйқашликни ҳис этганча ҳаёлларга қўмиласан. Беихтиёр юрагингдан қатра шёър тукилади:

Дарактлар япрогин
турпоққа қўйди.
Ҳазин марсиялар куйлади
ёмғир.
Қуёш ҳам гўё ер васлига тўйди.
Тунд будуллар ичра
муғъзар сағир...

Шу қатранинг ўзи ҳайрат, назаримда. Уша ҳайратларга тулиқ онларни соғинаман, қўмсайман. Лекин тирикчилик аталмиш кишан вужудимни чирмаб болаган. Энди менинг оёқларим япроқларгина эмас, гулларни ҳам эзиб кетаверади. Ахир кузларининг йўқчилик тўймай тўсган бир пайтда гулларни қайдан қурсан, инсон? Шёър қандай қилиб кунгилга сигади? Рузгорнинг икир-чикир ташвишларидан таранг торртган асабларим «до» демакка чоғланган бир кунда мен ҳайрат билан яна юзма-юз турибман. Уни менга фарғоналик ҳайкалтарош Анваржон Абдуганиев қайтариб берди. Турмуш ташвишлари ҳазон янглиғ босган Ҳайрат булоғи юзини аста очди ва дедики: «Дунени гузаллик қутқаради, опа».

Гапнинг очиги санъат ҳақида ёзгани қўрқаман. Санъат олами шунчалар гузал, у шунчалар улғувор, шунчалар ранг-барангки...

Еш бўлишига қарамай соқол қўйган(хар кимнинг таъби, ахир) бу йигитни Фарғона — Шоҳимардон йулида тез-тез учратиш мумкин. Бу йул уни Қадамжойга олиб боради. Қўхна, пурикдор тоғлар, тулқинлари қирғоққа сап-

читан дарелар ўз бағрига чорлайди уни.

— Биласизми, мен бирор инсон сиймосини яратишда гранитдан ва оқ мрамрдан ҳам фойдаланишим мумкин. Лекин булар водий одамнинг тула маънодаги қиёфасини акс эттиролмайди. Айтайлик, оқ мрамр ўзбек қизи истарасини ифодалай олмайди. Қуёшли улқа тошлари ҳам, назаримда, офтоб нурини сипқорганга ухшайди, иссиғи бордай туюлади.

Амал-тақал қилиб тагланган тошларни уйига олиб келади. Уй деганда устакхонани ҳам тушунавериш (яқинда уй бериши, боши осмонга етди), торғина каталак. Бу ерда тошлар, бу ерда икки жажжи қизалоқ, бу ерда суюклик рафиқа.

— Асбоб-ускуналарни кураписиз-ку, тош билан ишлаш осон иш эмас. Доимий тақ-туқ, учқунлар сачрайди, гулдаклар йиғилайди, рафиқа бўғилади. Шу ерда тирикчилик, шу ерда уйку, шу ерда иш. Лекин одам ўзи суйган ишни қилар экан, шароит танламайди. Одамзоднинг фетли-атвори ўзи шундайми еки менинг табиятим шунки: қанчалар кўп қийинчилик, мушкулот бўлса, тўсқинлик кучайса, ижодга, ишга булган иш-тиеким шунчалар ортади. Роман-тиклими бу, билломалим. Лекин юракдан чиқмаса, шохона саройда ҳам ишлаш қийин. Сизнингча, сид-қидилдан тошлар дунесига қўмилмоқ учун нима қилиш керак?

— ...

— Бунинг учун инсон тоҳия-тоҳида ўз дунеси, ўзи билан таңхо қолмоғи керак. Мана, фарз қилинг, тақводор киши. У кунига беш марта ўз дунеси билан булади, ҳаёлида Парвардигори-оламгина мавжуд. У сизинаетган, толпинаетган Парвардигор тақводорнинг руҳияти, вужудининг ҳукмронига айланади. Бу жуда масрур дақиқалар. Назаримда, ҳар бир одам у тақводор буладими, санъаткорми, ишчиси, қатъий назар ички олами

билан юзма-юз тура билиш имконини топиши керак. Айниқса, ижодкорлар учун зарур бу ҳол.

Ушанда мен қизалоқларимни, рафиқамни ҳам, турмуш ташвишларини ҳам — ҳамма нарсани унутган эдим. Ўзим билан ўзим эдим. «Шум бола». Беқасам тўнчи бола чехрасида қув табассум, шумлиги бутун қиёфасида акс этади.

«Махнунтол». Ҳаёлларга ботган сочлари паршон қизгина сиймосини кураписиз-у, беихтиёр шоир Муҳаммад Юсуф шёъри елга тушаверади:

Бир қиз йиғлар булоқ бошида,
Маънос махнунтоллар қошида,
Қўнғил оҳи кўзин ёшида,
Бевафо кўп экан дунёда,
Муҳаббат йўқ экан дунёда.

«Опа»ча. Опа эмас опа. 10—12 ёшлар чамаси қизалоқ укасини қутариб олган. Серфарзанд ўзбек хонадонларида бундай манзарани кўп кургансиз. Ота-она турмуш ташвишлари билан шунчалар уралашиб қолишганки, фарзандларни силаб-сийпалаш, эркалашга ҳам уларнинг вақти йўқ. Катта болалар кичкинтойларга меҳрибонлик кураштиради, (укалари) гашилик қилса оғичиб юришади.

«Эррайим». Халқ ичида «оббо, Эррайим-эй» деган ибора бор, эшитган бўлсангиз керак, албатта. Калондимог, биров билан қарзга тағлашадиган, дўшисини қия қўндирган киши сиймосини куриш билан боғлиқ иборани беихтиёр эслайсиз.

«Дадам», «Ўзбек шоирлари», «Донишманд»... ҳаётнинг, инсон умрининг «йилт» этган лаҳзалари кўчган бу тошларга. Ҳайкалтарош яратган асарлари ҳақида билар-билмас гапириб эсангизни қотирмайди, насиб бўлса, Тошкентда унинг шахсий курғазмаси очилар,

ушанда ҳаммамиз қувалик деҳқон оиласида ўсиб вояга етган ҳайкалтарошимиз ижодини кузимиз билан қуриб, баҳо берамиз.

Анваржон билан шу кўнимиз туғрисида суҳбатлашиб утирар эканмиз, у ёшларимизнинг дунёқараш, фикрлаш доираси ҳақида сўз очиб қолди.

— Дорилфунуннинг физика факультети талабалари билан учрашув бўлди. Мен одатда ёшлар билан гаплашишни хуш қураман, уларда самимият кучли. Санъат, дунёга машхур даҳолар, буюк ҳайкалтарошлар хусусида яйраб гапирмоқчи эдим. Ўқитувчилардан бири нима дейди дегн, физикларга ҳайкалнинг нима қизиги «бор»? Шунанга хафа бўлдимки, ўқитувчининг мулоҳаза доираси ўз фани чегарасини ериб утолмагач, у таълим бераётган талабалардан нима кутса бўлади?

Бутуниттифок курғазмалар қатнашчиси, Бишкекда утказилган мусаввирларнинг халқаро симпозиуми иштирокчиси, айти кунлар-

да она юрти — улмас фарзандлари сиймосини яратиш билан машгул ҳайкалтарошнинг қамтарин ижодхонасидан чиқарканмиз, ундан сурайман:

— Оила ташвишлари ижодингизга ҳалал бермайдими?

— Қани, чет элдаги сингари бизнинг ҳам ҳомийларимиз бўлса, балки бўлиб ҳам қолар. Лекин мен Шекспирнинг қуйидаги айтганларига амал қиламан: «Бирор нарсани яхши еки ёмон деб кескин баҳо бериб бўлмайди. Ҳамма нарсаларнинг ҳам яхши-ёмонлиги инсон уни қандай қабул қилиши билан белгиланади. Айти пайтда мен ўзимни ўзим кашф этиш мақсадида ишляпман, улдасидан чиқоламани — йўқми, буни вақт курсатади».

Махфуза УСМОНОВА,
фарғоналик журналист



Олим нима дейди

ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР КЎРИНМАЙ ҚОЛДИ

Инсоният яралибдики, дунени билишга, унинг сиру-асрорларини



чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилади. Коинотдаги, ердаги турли

хил ўзгаришлар уни тобора қизиқтиради. Бирок биз дунени қанчалик била

бормунча вақт илгари бошланган бундай миш-мишлар силсиласи кўпчиликини ҳайратга солганди. Хуллас, кимлариндир ўзга сайёралик кишилар қаергадир олиб кетишди, улар биз ерликлар билан гўе мулоқотда бўлишди. Аммо тула асосланмаган, ҳақиқатдан ўзоқ бу олди-қолди гапларнинг куч-қуввати ўзоққа етолмади. Бўлмаса нега ҳозирда учар тарелкалар ташириф буюрмай қўйишди? деган савол туғилиши табиий, албатта. Биз ҳам гапни мухтасар қилиб, худди ана шу саволни фаалакети илми олим, доцент Мамадмусо ака Мамадзимовга бердик:

— Бизнинг асримизда НУЖЛар ҳақидаги дастлабки миш-мишлар 1947 йил 24 июнда америкалик бизнесмен Кеннет Арнолд курган учар ликопчалардан бошланди. 1968 йилда АҚШда бундай «касаланмиш»нинг олдини олиш мақсадида махсус давлат комиссияси иш бошлади. Комиссия бу гипотезаларни ўрганиб, кузатишган объектиларнинг учар ликопчаларга алоқаси йўқлигини исботлади. Ни-

ҳоят, 1975 йилда Арканзас штатида бир гуруҳ олим, инженерлар конференция қақариладилар. Конференция иштирокчилари кузатишган НУЖЛарнинг 80 дан 99 фоизгача булганлари — горизонтдан унча баланд кутарилмаган ерут юлдуз еки планета, бошқа ҳолларда эса учаётган метеор еки ўз дастурини тутатган ер сўлғий йўлдошларининг ер атмосфераси қатламидан утаётган чулганб учуши эканлигини аниқладилар. Шунингдек, қатнашчилар бу масалани ўзил-кесил ҳал қилиш учун НУЖЛарни кузатувчи йирик обсерватория қуришни келишиб олдилар. Ҳозирда Техас штатида фаолият курашяётган бу обсерватория замонавий асбоб-ускуналар билан тула жиҳозланган. Хуллас, бу лаборатория НУЖЛар билан бевассита алоқа урнатиш имкониятига эга.

Шуни айтиш керакки, дунёда НУЖЛар билан боғлиқ асоциация мавжуд. Бу асоциация эса ўз манфаати йўлида, ўзининг аъзоларини қўпайтириш йўлида ҳар қанақанги уйдирмаларни ўйлаб чиқаради. Ўз атрофига «ҳаёлпараст» одамларни йиғайди. Мана шулар таъсирида келиб чиқадиган миш-мишлар, шубҳасиз, бизнинг худудни ҳам четлаб ўтмаган.

— Мамадмусо ака, бошқа сайё-

раларда ҳаётнинг бор еки йўқлиги ҳақида фан нима дейди?

— Қуёш системасидати осмон жисмларини янги методлар ерда урганиш шунинг курсатаётгани, ўзга сайёраларда ҳаётнинг ривожланишига, онгли мавжудотларнинг вужудга келишига монелик қиладиган далиллар йўқ. Масалан, Марс, Венерада ҳаётнинг унсури булган сув, тулроқ, борлиги аниқланди. Маълумки, ер атмосфераси ҳамма диапазонларда нурларни, сигналларни ўтказавермайди. Агарда ўзга сайёраликлар бизга сигнал юбораётган бўлсалар, телескоплар уша диапазонга қаратилиб қўйилиши керак. Ваҳоланки, сигнал қайси тарафдан, қайси диапазонда, қачон келиши номаълум...

1975 йили олимлар томонидан ердан ўзга сайёраларга сигнал жўнатишган. Бу сигнал барча сайёраларни айланиб, 48 минг йилда қайтади. Агар бошқа планеталарда ҳаёт нишонаси бўлса, олиб келади.

48 минг йилга... Учар тарелкада ўзга сайёраликларнинг ўзи ерга ташириб буюради-ю, биз улар билан мулоқот қилмай, мана шундай умид заррачаларига қўз тикиб утирсак. Жудаям қулғили.

Алижон Сафаров

Киборлар ҳаётидан

АРНОЛД ШВАРЦНЕГГЕРНИНГ ИҚРОРИ

— Ташвишланманг, ҳаммаси О.КЕЙ бўлади! — дейди америка кино юлдузи

39 АВОЛДИК ҲАҚИДА

Умр бўйи қотиликлари тасвирлаган фильмларни куп кўрдиму, бироқ бу менинг феъл-атворимга қор қилгани йўқ. Сиз экранда томоша қилган фильмлар узундан одамни қотилига айлантириб қўймайди. Агар мен зуравонлик ҳақидаги картиналар кишиларга зиён етказиши, деб уйлаганимда ҳеч қачон бунақа фильмларда суратга тушмасдим.

Шундай тоифа томошабинлар борки, улар ур-йиқти воқеаларга, жанглар ва хунрезликларга бой фильмларни кўриш учун кинога тушибди. Катта ешадилар учун ва болалар учун мулжалланган фильмлар бор. Болаларнинг қанақа фильмларни кураётгани ота-оналарга боғлиқ. Албатта, болаларни назоратда сақлаб туриш қийин. Отам менга: «Бу фильмни сен кўрмаслигинг керак», деган пайтлари мен кинотеатрга баттар шошардим.

Менинг экрандаги қаҳрамонларим одамларни ўзини ҳимоя қилишга, қучли, раҳмдил, ҳар қандай шайтанга ҳам ўз қучига таянишга ўргатади. Ахир дунёда қанчадан-қанча хунрезликлар руй бермаган дейсиз! Кеннедига ҳам президентларнинг жонига қасд қилишган, на радио, на телевидение бўлган у замонларда. Кишига узидан кура ки-ночиларни айблаш осонроқда. Қолайверса, фильмлар аксарият ҳолларда жамиятга юз берган ҳо-дисаларни тасвирлайди-ку! Бунинг ҳам, фикримча, қай даражада-лир жамиятга нафи бор, чунки зуравонлигини тасвирлаган фильмлар одамларни қотиликка қўл уришганда қандай ахлоқга тушишлари мумкинлигини англашга мажбур этади.

АЁЛЛАР ҲАҚИДА — Қўллаб фильмларда воқеалар аёллар тевариғида айланади. Аёлнинг бажарилган роли фильмдаги воқеа-ҳодисаларни ҳаракатга келтиришга мосланган. Бироқ аёл, Голливуд фильмларидаги каби, се-кс объекти сифатида олинган бўлса, мен бундай фильмда ишти-роқ этишдан бош тортаман. Аёл фақат қўруқ тисмол бўлиб қоладиган тақдирда ҳам мен ишти-роқ этмайман. «Терминатор»да аёл — етатчи қаҳрамон, воқеа-лар унинг тевариғида кечади. Бу яхши. Чунки аёл қаҳрамон була-ди.

КУЛЬТУРИЗМ ҲАҚИДА — Культуризмни шахсан мен спортнинг бири турига айлантирдим, десам, муболаға бўлмайди. Бу 70-йиллар ўртасида бошланди, ушунда чемпион бўлиб, культури-змнинг тарғиб қилишга киришган-диму. Авваллари культуристларни-нг бир қунда икки футт гушт ва 30 дона тухум ейиши, 12 соат-ла ухлашга турти келиши, се-кс билан шугулланмаслиги ва хо-қазолар ҳақида гапиришарди. Ушунга мен: «Бундай яшашни хоҳлайдиган жумрад топила-ми-кан узи?» дердим.

Биринчилан, жокоридаги ва-ж-қарсонлар ҳақиқатга зид, иккин-чидан эса, одамлар бирор-бир фаолият билан шугуллансин де-сангиз, сиз шундай иш тутин-ки, бу уларда норозилик кайфиятларини уйғотмасин.

Мен пархез ҳақида гапирай-ман, бироқ баъзан ўзим сомсам, музқаймоқ ҳам еб кетавераман. Го-ҳида уйимда тунайман, ўзимни се-ксдан мутлақо тийиб қўймайман, шундай ҳам бўладики, қилиш ло-зим бўлмаган ишларни қилиб қў-яман. Бир ҳафтада уч мата 45 ми-нут эки бир соат машқ бажариш етарли.

Бир неча йиллар мобайнида аёл-лар мушаклари танг эркакларни еқтирмайди, деб гапиришарди. Бу-ларнинг ҳаммаси пуч гаплар. Ас-лида бутунлай бошқача. Мен ҳеч қачон ўзимнинг аёлларга еқма-ётганимни сезганим йўқ. Дустларим-да ҳам бундай ҳолат бўлмаган. Менга бирон-бир мушакдор йигит аёллар еқтирмаётганидан шикоят қилгани йўқ.

Ҳозир ҳар қандай эркак киши бирор-бир спорт клуби-га аъзо.

Одамлар вази-ларини мувоза-натда сақлаша-ди. Мен Аме-ри-кага келганим-дан бери гим-настика залла-рининг сони 2500 дан 30 ми-нггача қу-пайди.

Атлетика клубига бор-моқчи бўлган-ни-мда 15 еш-ли эдим. Бу Австри-яда бўлган эди ва бу мени-нг ота-онам бил-ан бемаслаҳат қилган бирин-чи катъий қаро-рин эди. Мен каттиқ тартиб-интизомли оилада ўсдим. Отам ме-нинг моҳир футболчи, чемпион бў-лишмни хоҳларди. Шу боисдан ҳам менинг, аксинча, атлетика клуби-га кирганим мустақиллик туйғуми шакллантирди.

Уша пайтлар культуризмнинг куп томонлари нотўғри талқин қили-нарди. Мен одамларнинг бу соҳа-да нодонликларини тушундим. Хо-зирги пайтда культуризм Австри-яда спортнинг машҳур хилларидан. Мен ўз давримдан хийла олдинга кетиб қолган эди. Замонни ортда қолдириб кетганимда кўпроқ қар-шиликка дуч келасан.

Бироқ қаршилик — жуда зарур нарсас. Қаршилик сизни чинакам жангчига айлантиради. Агар ҳаёт-да ҳаммаси хамирдан қил сугур-гандай қучса, киши рамақжон бу-либ қолади, шунинг учун ҳам мен қийин шайтанга ушиб-улгайтганим-дан хурсандман. Бу урушдан кейинги йиллар эди, еб-ичишнинг мазаси йўқ, пул топила-мас эди. Ана шу қийинчиликлар мени чинакам курашчига айлантирди.

Менга айниқса оғир тошларни кутариб машқ қилиш кўпроқ ёқар-ди. Ўсмиригимда мен тош кута-рининг ҳадисини олган йигитлар билан бирга машқ қилардим. Бу оми-л менга қўшимча гайрат бағиш-ларди.

МАВҚЕ ВА ПУЛ

Мен пул ишлаб топишни яхши кураман, чунки пулни қарғга са-

рфлашни-ю, қандай қўпайтириш-ни биларман. Шу билан бирга мен солиқларни ўз вақтида ҳалол-поки-за тулаб тураман, негаки, мен бер-ган бу пуллари давлат бир куни ўзимга қайтаришига ишонаман.

Менинг иш ҳаққим барқарор эмас, бироқ йил оша ортиб бори-ши аниқ. Дейлик, охириги фильмда 6 миллион доллар ишладим.

Мен ҳали биринчи фильмни ол-масимдан бурун шахсий уй-жойга ва илора биноларига эга эдим. Бу мавқеимни тиклашга ердан берди. Дастлаб менга келиб: «Сен учун бизда юк машинасининг ҳайдо-вчиси роли бор. Сен кинода 10 ми-нут қўринадан ҳолос, биз сенинг ҳуссангини суратга туширсак бўл-гани», дейишганди. Бироқ мен уларга «Йўқ!» дея билдим, менга

у л а р н и н г 20 ми-нг дол-лар э-мас, ба-лки чина-кам ма-в-қе-марта-ба ке-рак э-ди, шу ҳа-қда уй-лар-дим.

Австриядан Америкага кел-ган дастлабки пайтларда мен сабоқ ола бош-ладим. Мени-нг талаба-лик тақлифномам йўқ эди, шун-инг учун бир илм-гоҳда икки курсдан орт-ққ ишга ҳа-қ-қим йўқ эди. Шу ту-ғайли, мен биз-несни, Сан-та-Мо-ни-када, сан-та-ни э-са Лос-Ан-же-лосдаги Вест-Коллежда ўр-ла-дим. Жами ол-ти йил тах-сил ол-дим.

Биз-нес билан шугулланиш одамдан алоҳида қобилият талаб қилади. Сиз ана шундай қобилият билан тутилган бўлишингиз керак. Биз-несга қизиқилингиз ортан сайин мустақил ишлашга хоҳиш пайдо бўлади. Менинг биз-несим — болалар учун майкалар, совга-лар, суратим туширилган камарлар, уйинчок, спорт сумкалари. Улар-нинг баҳоси арзон, ҳар қандай бо-ла сотиб олиши мумкин. Биз бун-дай биз-несдан катта даромад ола-миз деб уйламаганимиз — офис-ни-нг ҳақини тулашга етадиган пул ту-паша, бўлди.

Биз Огайо штатида Колумбия шаҳрида «Мистер Олимпия» ва «Мистер Коинот» мусобақаларини ўтказиб тура-миз, бу жой ҳозир культуризмнинг марказига айланди. Хо-зир мен бу мусобақаларга қатнаш-мапман, чунки бунга вақтим ҳам, аввалгидай қизиқшим ҳам йўқ. Бироқ спортни жон-дилдан ях-ши кураман ва ешларни қўллаб-қувватлайман. Биз жуда куп пул ишлаймиз ва нақд пул билан кат-та муқофотлар беришга қўрбимиз ет-ади.

ОИЛА

Мен дастлаб Америкага кел-ганимда шундай қизга уйланишим керакки, у, худди оиймдай, мени-нг уйимни доимо саранжом-сарп-ш

та қилсин, ўзимга қарасин, маза-ли овқатлар тайерласин, деб уйлагандим. Чунки бизнинг уйи-ми-зда шунақа эди, энди меники-да ҳам шундай бўлишини хоҳлар-дим.

Культуризм билан шугулланиб юрган кезлар спортнинг бу тури билан шугулланишни хоҳлаган бир аёлни учратдим, бироқ атроф-дагилар унга пастроқ тоифадаги кишига қарагандай қарашарди. Бундай муносабат адолатдан эмас-лигини сездим. Ва аёлларнинг культуризм билан шугулланишига ердан бермоқчи бўлдим. Аслида ўзим ҳам мускуллари бўртиб чиқ-қан аёлларни еқтирмадим. Ле-кин уларнинг астойдил интилиш-ларини қадрладим. Ахир, спорт фақат эркакларники эмас, у бар-чанки.

Марияни учратганимдақ унинг бошқача эканини сезганман, гарчи бизнинг муносабатларимиз жуда секкилик билан ривожлан-ган эса-да. Энди орта назар таш-лаб билаялманки, ҳар йил мени-нг унга муҳаббатим қучайгандан қучайиб бортан. Мен 25 еки 30 еш-имда ҳам уйланишга шошил-ганим йўқ. Бу тўғри ҳам бўлган, негаки мен бунга тайер эмасдим. Мен 39 еш-имда уйландим. Ма-рия менинг жуфтим бўлишга лойиқ деб ишонардим, шундай бўлди ҳам, у менга чексиз се-вин-ч бахш этди. Уйимизга биз алоҳида-алоҳида яшардик. Мария каттиқ эътиқодли руҳоний-кост-лик оилада тарбия қўрган. У Ке-ннедидлар қавмидан.

Марияда юмор туйғуси қучли, у менинг «майдақаш»-лигимдан кулади. Агар энгтимдаги жемпери-ни ечасам, шу заҳоти жойига илиб қўяман. Кир кийимларни алоҳи-да жойга йиғаман... Хуллас, майда-чуйда деб қарамайман бу-ларга. Чунки узоқ вақт буйдоқ я-лаб, шунга ўрганиб қолганман — улғулай саранжом-сарпш-тали-ни яхши кураман. Ойимнинг қан-чалик тоза-озода - фарштали аёл бўлганини тасаввур қилолмай-сиз. Шунданми, менинг кийим-ке-чак ва уй-рўзгор буюмларига муноса-батим Марияникидан кура тузук-роқ.

Масалан, биз футбол уйна-гани отлансак мен беш долларлик қўйлагимни кияман. Биласиз, уйи-нда йиқилиш, думалашга тур-ти келади. Мария эса теннис е футбол уйнагани кузини чирт ю-миб 400 долларлик жемперини кияди. Мен ҳеч қачон бундай қи-лолмайман. Менинг уй юмуш-ларини яхши қўришимни у би-лади. Кир ювишни, ўзимга овқат-ни тайерлашни еки чанг артиш-нини яхши кураман. Мен бу иш-лардан ўзимча жуда ҳузур тўяман. Овқатдан сунг қозон-товоқни ўзим юваман. Ташлаб қўйилса қо-тиб қолади. Мен бун буйдоқлик тажрибамдан биларман.

Менинг тасаввуримда ўзим-ни-нг келажигим ва инсониятнинг келажиги бирдай барқарор ва умидбахш бўлиб қўринали. Таш-вишланишга ҳожа-т йўқ, деб уйлайман. Ҳаммаси О.КЕЙ бў-лади!

А. ОТАБОЙ тайёрлади

Сўнги устун

ИЛОНЛАР БАЙРАМИ

Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳридан 400 километр жа-нуби-гарбда жойлашган Ши-рала қишлоғида ҳар йили сен-тябр ойида илонлар байра-ми ўтказилади. Шу куни мор-бозлар ўз илонлари билан ҳар хил томошалар кўрсата-дилар. Илонлар қасри олди-даги майдонда катта сайл бу-лади.

ДЕНГИЗ ФАРЗАНДЛАРИ

Саравак қинидаги орол-ларда ибон халқи яшайди. Бу халқ ҳаётининг куп қисмини денгизда балиқчилик қилиб ўтказида. Шунинг учун ибон-лар фарзандларига денгизда ис-м қўядилар. Бунинг учун она-си чақалоқни белигача сувга ботириб туради, отаси эса фарзандининг исмини ай-тиб сувга танга ташлайди.

АЁЛЛАРГА МУМКИН ЭМАС

Полинезиянинг Маркиз оролларида яшовчи қабила-ларда қизик ода-т бор. Бу ер-да чўчка ва тошбақа гўшти-ни, тунец балиғи ва товуқни фақат эркакларгина истеъмол қилишлари мумкин. Аёллар-га эса бу таомларни ейиш таъқиқланади.

ЭНГ ОММАВИЙ КИТОБ

«Гиннеснинг рекордлар ки-тоб»нинг илк нусхаси на-шр этилганига қирқ йил бўлди. Утган давр ичида бу ом-ма-боп китоб жами 40 га яқин тилда 268 мартаба чоп этил-ди. Нусхаларининг умумий сони эса 65 миллиондан ор-тиқ. Бу Жомолунгма чўққиси билан тенг 182 та тахлам де-ганидир.

«ҚАҲРАМОН ОНА»ЛАР-НИНГ ҚАҲРАМОНИ

XVIII асрда Москва яқини-даги қишлоқлардан бирида яшаган Федор Василевнинг 69 фарзанди бўлган. Ун мар-талар уйланган бўлса керак-да, деб уйлсангиз янглиша-сиз. У атиги бир марта уйлан-ган ва хотини 16 марта икки-тадан, 7 марта учтадан, 4 марта эса тўрттадан фарза-нд қўрган экан.

«АЛЛО, АЛЛО...»

АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳрида ҳар ми-нг кишига 1730 та телефон аппарати тўғри келиши 80 йиллар ўр-тасидаги ҳисоб-китобдан сў-н-г аниқланган эди. 90 йил-лар бошида Япония пойтахти Токио шаҳрида эса жами 5511000 абонент бор эди.

БУНЧА ЕНГИЛ БЎЛМАСА

Лондонлик Луи Борси соа-тига 25 километр тезликда ҳаракат қиладиган, вази эса-бор-йўғи 95 килограммдан ошмай-диган дунёдаги энг е-н-гил автомобилнинг муалли-фидир. Яхшида, мабодо бу-зилиб қолса, отгами, эшакка-ми ортиб кетаверасиз.

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
болалар
жамғармаси ва
«Соғлом авлод учун»
Халқаро хайрия
жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:
Абдуқарим РАҲИМБЕРДИ

Газетанимиз ҳомийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш
ушмаси» ассоциацияси

МАҲЗАНИМИЗ:

700078, Мустақиллик
майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Бахриддин АБДУ САИД
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0517. 23566 нусхада чоп
этилади. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.